



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 27 август, № 175 (7405)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТУРЛИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР, ХАЛҚЛАР ВА МИЛЛАТЛАР ЎРТАСИДА ЎЗИГА ХОС МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ҲАМДА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

«Шарқ тароналари» XII халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидан репортаж.



Хар йили энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида юртимиз бўйлаб ўзгача шукх ҳукм суради. Бу йил ҳам ушбу шодийнинг файзу таровати ўзгача. Гап шундаки, Ер юзининг сайқали — Самарқанд дунё халқларини инсонпарвар ғоялар атрофида бирлаштирган яна бир нуфузли анжуманга мезбонлик қилмоқда.



Дунёдаги глобаллашув ва оммавий маданият тарғиботи туфайли наинки моддий, балки маънавий таназзулар ҳам рўй бериб турган бугунги кунда халқаро миқёсдаги бундай фестивалнинг ўтказилиши мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ихтимоий-сиёсий, маънавий-мафқуравий сиёсати нечоғли тўғри йўлда эканлигини намоён этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» тамойилининг ёрқин мисоли сифатида ҳам мазкур санъат байрамнинг аҳамияти бекиёс.

Жаҳон созандаю хонандаларини, санъатсеварларини ҳар икки йилда бағрига чорлаб келаётган халқаро анжуманнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Қолаверса, Ўзбекистонда энди бундай тадбирлар ўтказиш эзгу аъяна, одатга айланди. Ҳазрат Алишер Навоий:

Табиятда ҳар неки одат ўлур,  
Чу эскирди одат табият бўлур,

деганлари сингари энди бу одат ва аъянарлар халқимиз табиати сингари бораётганини Шахрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ташкил этиш йўлга қўйилгани яққол исботлайди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 август куни Самарқанд шаҳрида БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азулени қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги конструктив мулоқот изчил ривожланиб, шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Одри Азуленинг ушбу нуфузли халқаро ташкилот бош директори сифатидаги мазкур илк ташрифиди ўтган йили Париж шаҳрида бўлиб ўтган учрашувнинг мантиқий давоми бўлиб, устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида томонларнинг интилиши қатъий эканидан далolat бериши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Париж, 2001 йил 3 апрель) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 12 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 24 августда маъқулланган

Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Битим (Париж, 2001 йил 3 апрель) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 26 август  
№ ЎПК—553

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 3 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 24 августда маъқулланган

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) қўшилисин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 26 август  
№ ЎПК—554

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА ЖИҲОЗЛАШ ИШЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, юртимизни халқаро спорт майдонларида муносиб равишда танитиш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштиришнинг самарали механизмларини жорий қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) тугатиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ҲАМ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум! Азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Хурматли фестиваль қатнашчилари! Хонимлар ва жаноблар! Бугун сиз, азизлар билан гўзал Ўзбекистон диёрида, «Ер юзининг сайқали» деб ном олган қадимий ва бетакрор Самарқанд шаҳрида кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Барчангизни «Шарқ тароналари» ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мана, йигирма икки йилдирки, биз бу фестивални ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказиб келмоқдамиз.

Бугун ушбу ташкилотнинг Бош директори Одри Азуле хоним юртимизга шахсан ташриф буюриб, анжуманимизга алоҳида файз ва кўтаринки руҳ бағишлагани учун самимий миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, тантанамизда қатнашаётган фахрий меҳмонларимиз:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедевга, Россия Федерацияси Президентининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Владимир Толстойга, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазирлиги Ақўти Раймқуловага, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазирлиги Азамат Жаманқуловга, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзодага, Туркменистон маданият вазири Атагелди Шамуродовга, Бангладеш Халқ Республикаси маданият вазири Мухаммад Холидга, Бутан Қироллиги маданият ва ички ишлар вазири Шеруб Гьелтшенга, Польша Республикаси маданият ва миллий мерос вазири ўринбосари Павел Левандовскига, Буюк Британия Парламенти Лордлар Палатаси аъзоси Мухаммад Илтоф Шайхга, Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси сенатори Екатерина Дуловага, Япониянинг Нара шаҳри мэри Мотонобу Накагавага, Корея Республикаси Андонг шаҳри мэри Квон Ёнг Сега, Лал Баҳодур Шастри институт раиси, Ҳинд — ўзбек дўстлик алоқалари кенгаши президенти Анил Шастрига, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги мухтарам элчилари ва вакилларига, фестивалимизнинг жаҳон миқёсида ёритиш мақсадида юртимизга келган оммавий ахборот воситалари ходимларига чуқур ташаккур изҳор этаман.

Бугунги анжуманимизга дунёнинг барча қитъаларидаги 75 та давлатдан 340 нафар азиз меҳмонимиз иштирок этмоқда.

Биз ушбу таниқли маданият арбоблари, машҳур ижодий гуруҳлар ва истеъдод соҳибларини санъатнинг чинакам фидойилари, тинчлик ва эзулик элчилари сифатида хурмат қиламиз ва юксак қадрлаймиз.

Хуш келибсиз, гўзал Ўзбекистонимизга, Хуш келибсиз, муаззам Самарқанд шаҳрига!

Хурматли фестиваль иштирокчилари! Ҳаммамизга яхши билалмики, ҳар қандай мукамал техника воситаси ҳам тирик инсон нафасини, унинг юрак нола-ларини, жонли овоз жозибасини, чинакам санъат ўрнини ҳеч қачон босолмайди.

Ҳақиқий санъатни, соф ва боқий мусиқани фақат Парвардигори оламнинг марҳамати билан ҳазрати Инсон яратди.

Сайёрамизда турли келишмовчилик ва қарама-қаршиликлар, уруш ва низолар авж олган таҳликали замонда, одамзод тобора ўз дунёсига ўралиб бораётган бир шароитда мусиқа инсонга инсонлигини эслатиб, унинг қалбига келажакка умид ва ишонч уйғотади.

Мусиқа санъати маданият феномени сифатида янги авлоднинг тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир.

Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга хурмати баланд бўлади.

Ва мен ишонаман, улар дунёни маънавий таназзулдан қутқаришга қодир бўлган, ўзаро аҳиллик ва бирдамликни улуғловчи авлод бўлиб майдонга чиқади.

Шу маънода, мусиқа — ҳеч нарса билан ўлчаб, солиштириб бўлмайдиган бекиёс илоҳий таъсир кучига эга десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Мухтарам меҳмонлар! Бугун биз мамлакатимизда миллий тарққийнинг мутлақо янги босқичига қадам қўймоқдамиз.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган жадал ўзгариш ва янги-лаштирилган маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида орттирган тажрибамизга таянган ҳолда, биз биринчи марта Шахрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжуманини, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказдик.

Сентябрь ойида Қўқон шаҳрида Халқ амалий санъати халқаро фестивалини

Бунинг учун сизларга чин юракдан ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Имкониятдан фойдаланиб, бир масалага муносабатимни билдириб ўтмоқчиман. Барчангиз гувоҳсиз, шу кунларда генератив мусиқа, сунъий интеллект ҳақидаги фестивал улар орасида ўзининг алоҳида ўрни, шухрати ва мақоми билан ажралиб туради.

Ушбу фестиваль сабабли бугунги кунда афсонавий Самарқанднинг узоқ ўтмишини акс эттирадиган мунаввар кошоналари, муаттар ҳавоси билан бирга, бу муқаддас заминдан таралаётган дилбар ва мафтункор тароналар ҳам дунё аҳлини ўзига чорламоқда.

Ўтган салкам чорак аср давомида Самарқанднинг мовий гумбазлари, юлдузли осмони остида қанчадан-қанча сеҳрли наволар, ҳаётбахш оҳанглари янгради.

Фестиваль ўнлаб машҳур хонанда ва созанда, ноёб ёш истеъдодларни кашф қилди, уларнинг парвозига қанот, куч ва илҳом бағишлади.

Энг муҳими, ушбу анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданият ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланди.

Биз бу фестивалнинг замирида улуг ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий бобомизнинг, олам аҳли, ҳаммиса бир-биринизга дўст бўлинг, Ер юзини ўз меҳнатингиз, истеъдодингиз билан обод қилинг, деган мазмундаги ўлмас даъвати мужассам эканини кўрамиз.

Айни пайтда буюк француз адиби Виктор Гюгонинг «Эзулик ва ҳамжиҳатлик — инсон маънавий оламининг кўёшидир» деган ҳикматли сўзлари мана шундай юксак ғоялар билан уйғун ва ҳамохандир.

Бу фикрлар бундан неча юз йиллар аввал айтилган бўлса-да, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан, бизнинг қалбларимизда, юракларимизда акс садо бермоқда.

Мана шу юксак саҳнага — кўркам ва мухташам Регистон майдонига қадам қўйган ҳар бир санъаткор, миллати, тили ва динидан қатъи назар, башариёт фарзанди сифатида дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди.









**28 йил**  
биргаликда  
юксалиш сари!

*Азиз юртдошлар!*

«Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки жамоаси Сизларни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан самимий табриклайди.

Барчангизга бахт, соғлиқ ва Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда янги ютуқлар ҳамда омад тилайди.

**Байрамингиз муборак бўлсин!**

**НАМКОРБАНК**

facebook.com/HamkorBank.uz t.me/Hamkorbankuz hamkorbank\_jscb www.hamkorbank.uz

**XalqBanki**

Халқаро рейтинг агентлиги —

**Fitch Ratings**

2019 йил 12 августда

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг

халқаро кредит рейтингини

**BB-**  
БАРҚАРОР даражасида тасдиқлади.

**«Шеър азиз олам аро»**

Яқинда пойтахтимизда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Шеър азиз олам аро» танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудларда голиб бўлган 14 нафар маҳалла раиси қатнашди.

**Танлов**

«Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» шиори остида ўтказилган танловда иштирокчилар учта шарт асосида баҳслашди. Жумладан, биринчи шартда ўзбек мумтоз адабиёти-ни қай даражада билишларини намойиш этган бўлишса, ифодали ўқиш шарида замонавий ўзбек ва жаҳон шеърияти дурдоналаридан ёхуд ўзларининг ижодидан намуналар ўқишди. «Ижодим сенга, маҳаллам» деб номланган шартда эса ўзлари яшаб, фаолият олиб бораётган маҳалла, ундаги маънавий-маърифий муҳит ҳақида саҳналаштирилган кўри-нишларни тақдим этишди.

— Бугунги кунда халқимизнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласи нима учун долзарб эканлиги кундек равшан, — дейди Бўка туманидаги «Кўкорол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ориф Пулатов. — Зеро, маънави-

ятли халқ улкан ишларга қодир бўлади. Мухими, бундай халқни енгиб бўлмайди. Ана шу жараёнларда маҳалла раислари фаол тарғиботчи бўлиши талаб этилади. Шу маънода, мазкур танлов биз учун катта аҳамиятга эга. Ахир тарғиботчининг ўзи китобхон бўлмай туриб, мутолаанинг аҳамияти ҳақида қандай қилиб гапириши мумкин?!

Яқинда Ромитан туманидаги «Афросиёб» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилдор Жумаева биринчи, Бўка туманидаги «Кўкорол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ориф Пулатов иккинчи, Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омонулло Муталов учинчи ўринни кўлга қиритди.

Ҳалиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**  
(«Халқ сўзи»).

**Муҳтарам ватандошлар!**

Барчамиз энг азиз ва энг улуг байрам сифатида эътироф этадиган **Истиқлол айёми** муборак бўлсин!

Улуғ аجدодларимиз барпо қилган кўп минг йиллик давлатчилик анъаналари давомчиси эканмиз, эзгу амаллар ила ҳар доим Мустақиллигимиз абадий бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилмоқни дилимизга жо айлаганимизга шубҳа йўқ. Ҳар бирингизнинг хонадонингизга қут-барака, тўкин-сочинлик тилаймиз. Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!

**«BEKABAD CEMENT»** жамоаси.

BEKABAD CEMENT

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 603 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлабмақаллар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.20 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6